

Тиш пастаси таркибида спирт

08:35 / 31.07.2019 2789

Ассалому алайкум! Кўпчилик одамлар тиш пастасини таркибини ўқишмайди, чунки ундаги ёзувлар ҳам майда қилиб ёзилган, мен қизиб таркини ўқиб ўргандим унда Бензил Алкогол қўшилишини билиб қолдим ва жуда қўрқиб кетдим. Ахир бутун халқ тиш пасталаридан фойдаланади, тўғри балки бошқа фирмаларда қўшилмас, лекин мен кўрган фирма пастаси таркибида бор эди, лекин бу алкоголь одамни маст қилмайдику, шунга қўрқиб ишлатишни тўхтатган эдим. Шу пасталарни ишлатиш мумкунми?

«Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Паста ва хушбўйликларга аралаштирилган спирт шаръан жоиз. Дунё уламолари иттифоқи шунга фатво берганлар. Маст бўлиш учун тиш пастасини ейиш жоиз эмас. Валлоҳу аълам!